

ЎЗНОМА  
1930 ЙИЛ  
12 МАЙДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН



# Таштас

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

● 32 (2296).

● 1991 ЙИЛ 2 АПРЕЛЬ

● СЕШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИЙИН

## ХАЛҚ НОИБИ БИЛАН УЧРАШУВ

Вилоят ички ишлар бошқармасида ССЖИ Олий Кенгаши ноиби В. Золотухин билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ССЖИ халқ ноиби ССЖИ Олий Кенгашининг олиб бораётган иши ва шахсан ўзининг парламент фаолиятидаги иштироки ҳамда сайловчилари томонидан берилган нақазларнинг бажарилиши ҳақида маълумот берди. Сўнг савол-жавоблар бошланди. Ингилганлар референдум натижаларидан кейинги Иттифоқ аҳволи, Болтиқбўйи жумҳуриятлари воқеаларига ноибларнинг муносабати, нарх-наво ислоҳоти

ни қабул қилишда уларни маларга таяниб иш кўрганлигига доир кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар. Жамоат тартибини сақлаш бўлимининг ходими Е. Хорольскийни: «Ўз ССЖ Президенти жумҳуриятда нон ва нон маҳсулотларининг нархи ошмаслигини таъкидлади. Бу арзон нон ейишни хоҳловчиларнинг юртимизга оқиб келишини, нон билан чайқовчилик авж олиши мумкинлигини билдирмайдими? — деган савол қизиқтирди. Ташкилий-назорат бўлими бошлиғи Б. Сидиқов: «Болтиқбўйи воқеаларида

марказнинг қўли бор, деган миш-мишларга ССЖИ Олий Кенгаши қандай қараяпти?» — деган савол билан мурожаат қилди. Нарх-наво, Гдлян ва Ивановлар иши бўйича тузилган комиссиянинг фаолияти ҳақидаги ва бошқа кўплаб саволларга ноиб атрофлича жавоб берди. Учрашув сўнггида вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги З. Алматов йиғилиш иштирокчилари номидан ноибга ташаккур билдирди. **Мирқарим МИРСОВУРОВ,** ички хизмат майори.



Янгийул шаҳрида Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг амалий ўт ўчириш спорти бўйича биринчилиги ўтказилди. Мусобақаларда 30 га яқин ўт ўчириш командалари қатнашишди. Қизғин беллашувларда Янгийул шаҳрининг 9-мустақил ҳарбийлашган ёнгинга қарши курашини қисми 5262 очко тўплаб, 1-ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Олмалик, учинчи ўринни, Чирчиқ шаҳарларининг ўт ўчирувчилари олишди. **СУРАТЛАРДА:** мусобақадан лавҳалар. **Ҳабибулла ШОДИЕВ** олган суратлар.

## ТАКЛИФЛАР ИНОБАТГА ОЛИНСА

Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида пойтахтимиз Москвада иттифоқдош жумҳуриятларнинг ички ишлар идораларида меҳнат қилаётган 60 дан ортқ фаол аёлларнинг ССЖИ ИИВ раҳбарияти билан учрашуви бўлиб ўтди. Жумҳуриятимиз ИИВ аёллар Кенгашининг раиси, милиция подполковниги Л. Токалова унда қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Қўйида унинг учрашув ҳақидаги баъзи мулоҳазалари билан таништирамиз. — Людмила Константиновна, бу сафар Сизда қандай таассурот қолдирди? — Учрашувни вазирнинг биринчи ўринбосари, генерал-лейтенант И. Ф. Шилов кириш сўзи билан очди. Нотиқ мамлакатимизда жиноятчиликнинг бугунги аҳволи ҳақида маълумот бериш билан бирга ССЖИ Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 30 декабрда қабул қилган «Ҳарбий хизматчиларни ва ҳарбий хизматни ўташга мажбурларни, ички ишлар идораларининг оддий ва раҳбар ходимларини давлат томонидан мажбурий суғурта қилиниши ҳақида»ги қарорига бирмунча изоҳлар бериб ўтди. Шунингдек, ССЖИ ИИВ раҳбариятининг хизмат бурчини ўташда ҳалок бўлган ходимларнинг оилалари билан суҳбат уюштириш ниятидан

хабардор бўлдик. Бу оилаларга 2 минг сўм ёрдам пули беришга қарор қилинган хушxabар бўлди. — Айтингчи, учрашувда хизмат билан бевосита боғлиқ саволлар ҳам берилдими? — Албатта. Ички ишлар идоралари ходимларини нафақа таъминотида, кадрлар сиёсатида доир кўплаб саволлар қизиқтираркан. Ҳатто нега аёлларни раҳбарлик лавозимига тайинлашда камситишларга йўл қўйилмоқда, деган савол ҳам бўлди. Аёлларни биласиз-ку! — Сизнинг, шахсан ўзингизнинг қандай таклифларингиз бор? — Аёлларимизни берган саволлари, таклифлари жуда ўринлидир. Мен уларни қўллаб-қувватлайман. Шу билан бирга ички ишлар идораларидаги хизматнинг ўзи-

га хос мураккабликларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги таклифларни ўртага ташламоқчиман: — аёлларнинг оилада, болалар тарбиясида тутган ўрни ва ўзига хос аёллик жиҳатларини ҳисобга олиб хизмат муддатини камайтириш; — олий ўқув юртида ўқиш даври иш стажига қўшиб ҳисобланиши; — фуқаролик ташкилотларида кимёвий моддалар билан ишловчиларга имтиёзлар (қисқартирилган иш соати, қўшимча ҳақ) бор, ИИВда ҳам шундай тартиб ўрнатилса; — нафақа таъминотида камситишларни бартараф этиш; — аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш ишларига кўпроқ эътибор бериш ва ҳ. к. Менимча бу таклифларимга эътироз билдирувчилар бўлмаса керак. Дарҳақиқат ҳали шундай муаммоларимиз жуда кўп. Қани энди Людмила Константиновнанинг таклифи ерда қолмаса. **Суҳбатдош** **М. ИБРОҲИМОВА.**

## СССР Вазирлар кабинетининг қарори

1991 йил 26 март № 121 Москва, Кремль

**ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ УТАБ БУЛГАН ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИ СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ, ЧЕГАРА, ИЧКИ ВА ТЕМИР ЙЎЛ ҚЎШИНЛАРИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БУШАТИШ ҲАҚИДА ВА ФУҚАРОЛАРНИ 1991 ЙИЛ АПРЕЛЬ—ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТУҒРИСИДА**

«Умумий ҳарбий мажбурият туғрисида»ги СССР қонунини ижро этиш юзасидан СССР Вазирлар кабинети қарор қилади: 1. Ҳақиқий ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари 1991 йил апрель-июнь ойларида СССР Қурулли Кучлари, чегара, ички ва темир йўл қўшинлари сафларидан заҳирага бўшатилади. 2. Чақирув кунигача 18 ёшга туладиган, ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирув муддатини кечиктириш ҳуқуқи-га эга бўлмаган эркак фуқа-

ролар, шунингдек чақирув муддатини кечиктириш ҳуқуқидан ҳоли бўлган чақирув ёшидан катта ёшдаги фуқаролар 1991 йилнинг апрель-июнь ойларида СССР Қурулли Кучларига, чегара, ички ва темир йўл қўшинларига ҳақиқий, муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин. 3. Қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин. **СССР Бош вазири** **В. ПАВЛОВ** **СССР Вазирлар кабинетининг** **ишлар мудбири** **И. ПРОСТЯКОВ.**

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТЛАРИДА

26 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши ёшлар ишлари ва қонунийлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетларининг қўшма мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари, республика вазирликлари ва идораларининг, прокуратура, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг, вояга етмаганлар тарбия меҳнат колонияларининг, махсус ҳунар-техника билим юртларининг, махсус мактаб-интернатларнинг раҳбарлари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Мажлисида балоғат ёшига етмаганлар орасидаги жиноятчиликнинг аҳволи ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Муҳокама этилган маса-

ла юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Шу куни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши ёшлар ишлари комитетининг мажлиси ўз ишини давом эттирди. Унда республика комсомоли Марказий Комитетининг котиблари, вилоят комсомол комитетларининг биринчи котиблари қатнашдилар. Мажлисида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг «Ўзбекистон ССЖда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари» Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Мажлисида, шунингдек, комитетнинг 1991 йил учун тузилган иш режаси ҳам кўриб чиқилди ва тасдиқланди. 29 март куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Кен-

гаши Ошкоралик масалалари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари ҳақида»ги Ўзбекистон ССР Қонуни лойиҳаси муҳокама этилди. Ушбу Қонун лойиҳасини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига қўйишга қарор қилинди. Ўзбекистон ССР Телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар давлат комитети фаолиятидаги ошкораликни ўрганиш яқуни муҳокама этилди. Мажлисида, шунингдек Ошкоралик комитети қарорига кўра ана шу комитет қошида тузиладиган жамоатчилик кенгашининг таркиби ва унинг дастлабки йиғилишини ўтказиш ҳақидаги масала ҳам кўриб чиқилди. (ЎЗТАГ).

# Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

29 март 1991 йил 74-сон

Тошкент шаҳри

## ЧАКАНА НАРХЛАРНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

ССЖИ Президентининг 1991 йил 19 мартдаги «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги Фармони ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, 1991 йилнинг 1 январидан саноатда ва халқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида янги улгуржи нархлар ва тарифларнинг ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига харид нархларининг жорий қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. ССЖИ Президентининг 1991 йил 19 мартдаги «Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги фармони ва ССЖИ Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарори инobatта олиниб, амал қилиш учун қабул қилинсин.

2. Чакана нархлар босқичма-босқич бир мезгилга келтирилган ҳолда ислоҳ қилинсин. Бунда шулар назарда тутилсинки, халқ истеъмоли молларининг нархлари ва кўрсатиладиган хизматлар тарифлари уларни ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг реал қийматини, истеъмоли хусусиятларини, талаб ва тақлифлар нисбатини, аҳолининг турмуш даражасини белгиловчи асосий товарларга чакана нархларни оширишнинг жумҳурият ҳудудида ягона чегарасини белгилашни ҳисобга олиб шакллантирилади.

Чакана нархлар ва тарифларни ўзгартириш аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича компенсация тадбирларини ўтказиш, иш ҳақини, стипендияларни, пенсияларни, нафақаларни ва бошқа ижтимоий тўловларни ошириш билан боғлиқ ҳолда олиб борилсин.

3. Асосий халқ истеъмоли молларининг давлат чакана нархларини ошириш чегаралари 1-иловага мувофиқ белгилансин.

4. Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар кўмитаси, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия кўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия кўмитаси ўз ваколатлари доирасида янги чакана нархларни тасдиқлашлари ва уларни 1991 йил 2 апрелдан бошлаб кучга киритсинлар, прейскурантларни барча манфаатдор вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларга етказишни таъминласинлар.

5. 1991 йилда ун, нон ва нон-булка маҳсулотлари, доридармонлар ва тиббий таълим маҳсулотлари, кофе, сунъий толадан бўлган газлама ва улардан бўлган маҳсулотлар, сунъий материаллар-

дан тайёрланган пойабзал, мўйна, трикотаж маҳсулотлари, пайпоқ ва ўйинчоқлар, аҳолига сотиладиган бензин, керосин, электр энергияси, газ, кўмир, печ ёқилғиси ва ўтиннинг, шунингдек, арокнинг амалдаги давлат чакана нархлари оширилмасин.

ЎзССЖ Молия вазирлиги жумҳурият бюджети ҳисобидан 1991 йилда ун, нон ва нон-булка маҳсулотлари нархларидаги фарқлар учун ЎзССЖ Дон маҳсулотлари вазирлигига компенсация берсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, асосий озиқ-овқат товарлари, чой-шаблар, газламаларнинг оммавий турлари, кийим-кечак ва пойабзал, шахсий гигиена буюмлари ва тамаки маҳсулотлари, қурилиш материаллари, мебель, гулгоҳозлар, идиш-товоқлар, рўзгор кимёси товарлари, бошқа бир қатор товарлар, шунингдек, шаҳар транспортда (автобус, троллейбус, трамвай, метро) йўловчиларни ташиш тарифларининг қимматлашганлиги учун аҳолига тўлиқ компенсация қилинсин.

7. Чакана нархларнинг ошишини чеклаш мақсадларида 1991 йилда балиқ маҳсулотларига, доридармонлар ва ижтимоий аҳамиятга молик бошқа бир қанча халқ истеъмоли молларига дотация бериш қисман сақлаб қолинсин.

ЎзССЖ Молия вазирлиги 1991 йилда юқорида кўрсатилган маҳсулотлар ва товарлар нархларидаги фарқларни қопласин.

8. Одамларни ташиш тарифлари тақсидида бир километр учун 40 тийин миқдорда, автобус, троллейбус, трамвай ва метрода юриш учун 15 тийин қилиб белгилансин.

ЎзССЖ Молия вазирлиги ҳар йили автобус, троллейбус, трамвай ва метрополитенда одамларни ташиш тарифларидаги фарқни қопласин.

Шаҳар атрофига қатновчи темир йўл транспортда йўловчиларни ташиш қиймати ўртача 280 фоиз оширилсин.

Шаҳар атрофига ва шаҳарлараро қатновчи автобусларда йўловчиларни ташиш ҳақи 60 фоиз, жумҳуриятлараро автобусларда ташиш ҳақи икки баравар оширилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, 1991 йилда 2-иловага мувофиқ товарлар аҳолига бошқариладиган нархларда сотилади. Нархларни бошқариш уларнинг прейскурант нархларига нисбатан энг юқори даражаларини ёки ўзгартириш ҳажмларини жорий қилиш йўли билан аҳуд нархларни белгиловчи органлар ўз ваколатлари доирасида белги-

лайдиган бошқа тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар кўмитаси, Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия кўмиталари ва Тошкент шаҳар ижроия кўмитаси ўз ваколатлари доирасида нархларнинг энг юқори даражаларини ёки уларнинг ўзгартириш ҳажмларини тасдиқлашлари ҳамда уларни барча манфаатдор корхоналар ва ташкилотларга етказсинлар.

10. Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1990 йил 27 ноябрдаги 370-сон қарорига тасдиқланган аҳолига шартнома (эркин) чакана нархлар бўйича сотиладиган халқ истеъмоли моллари рўйхатида 3-иловадаги товарлар киритилсин.

11. Шаҳар йўловчилар ташиш транспортда янги тарифлар жорий этилиши муносабати билан аҳоли айрим тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ўқувчилар, кундузги бўлимларнинг студентлари, пенсионерлар, ногиронлар ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учун имтиёзли ойлик йўл патталари ҳамда амалдаги қонунлар ва Ўзбекистон ССЖ Президентининг Фармонлари билан белгиланган шаҳар транспортда текин юриш бўйича имтиёзлар сақлаб қолинсин.

12. Нарх белгилашнинг бундан бўён эркин асосга ўтиши муносабати билан «Д» ва «Н» индексли халқ истеъмоли молларига устама белгилаш тўхтатилсин.

13. Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш даражасини ошириш, арзон ва қиммат моллар сотишнинг тенг афзаллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар кўмитаси ЎзССЖ Савдо вазирлиги билан биргаликда янги давлат чакана нархлари билан бир вақтда халқ истеъмоли моллари бўйича табақалаштирилган янги савдо чегирмаларини жорий этсин. Бунда чакана савдо ва умумий оқватлашиш корхоналари учун чегирмалар бир хил миқдорда белгилансин.

Зарур ҳолларда давлат чакана нархлари бўйича етказиб бериладиган молларга оширилган савдо чегирмалари белгиладиган ноҳиялар, ташкилотлар ва корхоналар рўйхати аниқлансин, шунингдек, улгуржи ва чакана нархлар, тарифлар, ижтимоий суғурта бадаллари ва савдо чегирмаларининг ошиши муносабати билан умумий оқватлашишда устама нархлар миқдори қайта кўриб чиқилсин.

14. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгашига, вилоят ижроия кўмиталарига ва Тошкент шаҳар ижроия кўмитасига ки-

нотеатрлар ва кинокурималарга кириш, шунингдек, видеопрограммаларни кўриш патталари нархларини СССР Министрлар Советининг «Совет кинематографиясининг ижодий, ташкилий ва иқтисодий фаолиятини қайта қуриш тўғрисида», 1989 йил 18 ноябрдаги 1003-сон қарорига мувофиқ белгилаш ҳуқуқи берилсин.

ЎзССЖ Маданият вазирлиги Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар кўмитаси ва ЎзССЖ Молия вазирлиги билан келишган ҳолда кўрсатиб ўтилган хизмат турларига нархларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини тасдиқласин.

15. ЎзССЖ Савдо вазирлиги, Ўзбекбирлашув, ишчилар таъминоти бошқармалари ва ишчилар таъминоти бўлимлари чакана нархларни ўзгартирадиган товар-материал бойликлар қолдиқларини 1991 йил 2 апрелдаги ҳолатга кўра қайта баҳолашни ўтказсинлар, қайта баҳолашга бўлган сумма жумҳурият бюджети даромадига ўтказилсин.

Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар кўмитаси, ЎзССЖ Молия вазирлиги ЎзССЖ Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув билан биргаликда қайта баҳолашни ўтказиш тўғрисида кўрсатма тайёрласинлар.

16. Қорақалпоғистон МССЖ Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия кўмиталари, Тошкент шаҳар ижроия кўмитаси, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари корхоналар ҳўжалик фаолиятининг яшиланишини, фан ютуқлари, илғор техника ва технологиянинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши ҳисобига маҳсулот таннархининг пасайишини, ишлаб чиқаришда уюшқоқлик ва тартибни таъминлашинлар; халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун корхоналарнинг моддий-техника ресурслари билан таъминланишини қаттиқ назорат қилсинлар; ўзларига қарашли корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг нарх белгилаш ишларини яхшилаш учун зарур чора-тадбирлар кўрсинлар; тегишли бўлимларни малакали мутахассислар билан таъминласинлар; нархлар ва тарифларнинг иқтисодий асосланлишига талабчанлигини оширсинлар; прейскурант ҳўжалигини юритишни яхшиласинлар ҳамда давлат нарх интизомига ва компенсация тўловлари миқдорларига қатъий риоя қилинишини таъминласинлар.

Ўзбекистон ССЖ Давлат нархлар кўмитаси нарх белгилашнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилишни ку-

чайтирсин, амалдаги қонунларга хилоф ҳолда белгиладиган нархларни ўз вақтида бекор қилсин, давлат нарх интизомини бузувчи корхоналар ва ташкилотларга нисбатан иқтисодий жазолар қўлланилишининг муқаррарлигини таъминласин ва айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш чораларини кўрсин.

17. ЎзССЖ Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив кўмитаси тузилган шартномалар асосида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш учун жумҳурият корхоналари ва ташкилотларини моддий-техника ресурслари билан тўла ҳажмда таъминласин.

18. ЎзССЖ Молия вазирлиги 5 кун муддат ичида ЎзССЖ Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув билан биргаликда бу идораларга ўз оборот маблағлари нормативининг кўпайтирилиши муносабати билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқсин.

19. ЎзССЖ прокуратураси, ЎзССЖ Давлат ҳавфсизлиги кўмитаси, ЎзССЖ Ички ишлар вазирлиги савдо тармоқларида товар-материал бойликлари қолдиқларини қайта баҳолашни ўтказишни қаттиқ назорат остига олсинлар ва натижалар ҳақида янги чакана нархлар жорий этилганидан кейин 10 кун муддат ичида маълум қилсинлар.

20. ССЖИ Вазирлар Маҳкамаси 1991 йил 19 мартдаги 105-сон қарори билан қуйидагиларни топширганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ССЖИ Темир йўллар вазирлиги ва ССЖИ Денгиз флоти вазирлиги вагон-ресторанлар ва купе-буфетларда, кемалардаги умумий оқватлашиш корхоналарида сотиладиган маҳсулотлар ва молларга янги устама нархлар белгилашсин;

ССЖИ Темир йўллар вазирлиги, ССЖИ Фуқаро авиацияси вазирлиги, ССЖИ Денгиз флоти вазирлиги ва ССЖИ Алоқа вазирлиги, ССЖИ Давлат нархлар кўмитаси билан келишилган ҳолда темир йўл, авиация, денгиз транспортда йўловчилар ташишининг ва алоқа хизматининг янги тарифлари нархларини тасдиқласинлар.

21. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг умумий-иқтисодий комплекси ва тармоқ бўлимларига юклатилсин, улар ҳар қаватда ўз мажлисларида вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг қарор ижроси ҳақидаги ҳисоботларини эшитсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

М. КАРИМОВ.

### ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 МАРТДАГИ 74-СОН ҚАРОРИГА 1-ИЛОВА АСОСИЙ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ДАВЛАТ ЧАКАНА НАРХЛАРИНИ ОШИРИШНИНГ ЭНГ ЮҚОРИ МИҚДОРЛАРИ

Ўрта даражада (фонз ҳисобида)	Усимлик ёғи, маргарин маҳсулоти ва майонез, кир совун ва атир совун	авиация транспортда	80
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	100	денгиз транспортда	140
Сут ва сут маҳсулотлари	200	Аҳоли учун алоқа хизматлари	20
Тухум ва тухум маҳсулотлари	50		
Нон, ун, макарон маҳсулотлари	135		
Ёрма, шу жумладан, гуруч	195		
Қанд-шакар	75		
Чой	100		
Балиқ маҳсулотлари	130		
Туз	70		

\* Ўзбекистон ССЖда мазкур маҳсулотлар турлари бўйича ишлаб чиқариш ва тақсимлаш хусусиятларига кўра чакана нархларни оширишнинг жумҳурият энг юқори миқдорлари белгиланади.

\*\* 1991 йилда чакана нархлар 1990 йилдаги нон, ун ва макарон маҳсулотларига амалдаги нархлар даражасида сақлаб қолинади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 МАРТДАГИ 74-СОН ҚАРОРИГА 2-ИЛОВА БОШҚАРИЛАДИГАН ЧАКАНА НАРХЛАР БИЛАН АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ РҲУХАТИ

ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ	кийимлар	Усмирлар ва болаларнинг велосипедлари
Янги модалга газламалар, трикотаж газламалар, шунингдек болаларга аталган юқори сифатли моллар	Молим ва пат буюмлари	Болалар аравачалари
Катталар учун қуён, қўй, қоракўл тери ва бошқа мўйна турларидан тайёрланган ёқалар (қимматбаҳо гурларидан ташқари)	МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ҲҲЖАЛИК МОЛЛАРИ	Болалар ўйинчоқлари
Катталар учун қуён ва қўй терисидан тикилган бош	Енгил автомобиллар	Гугуртлар
	Ёғоч-тахта ва қурилиш материаллари	Қўлда сиқилдиган кир ювиш машиналари
	Ўқувчилар дафтарлари ва болалар учун идора моллари	250 литргача бўлган ҳажмдаги холодильниклар
		[Давоми учинчи бетда].

3—4-мураккаблик гуруҳига мансуб бўлган радио эшиттиришларини қабул қилиш, овоз ёзиш ва овоз чиқариш қурилмалари

Қора-оқ тасвирли телевизорлар

2—3-туркумга мансуб рангли тасвирли телевизорлар

Тўғри чокли тикув машиналари

Синтетик кир ювиш воситалари

Газ ва электр плиталари

Фильмоскоплар, диафильмлар ва болалар учун бошқа кино-фото моллари

Болаларга аталган, грампластинкалар

Ток манбалари (ток билан таъминлаш элементлари)

Китоблар ва китоб маҳсулотлари

Мебель (унинг айрим буюмлари — столлар, стул-

лар, диванлар, кароватлар ҳамда туркумга ва йиғмага кирмайдиган бошқа буюмлар)

Гул қоғозлар

Сирланган ва алюмин идишлар

Тўқиш аппаратлари

Рангсиз шишадан тайёрланган, пуфлама ва прессланган идишлар

Гуруҳларга бўлинадиган чинни-фаянс идишлар

Бир андозада тайёрланган уйлар ва боғ ҳовли уйлари, деталь комплектлари

Қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган кичик тракторлар, мотоблоклар ва мотокультиваторлар

Хўжалик асбоблари

Маҳаллий қурилиш материаллари

Кигиз ва кигиз буюмлари\*

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ**

Винолар, шу жумладан шампань виноси

Оддий коньяклар

Ликёр-ароқ маҳсулотлари

Пиво

Пардоз-андоз буюмлари

Карамель

Тропик мевалар, цитрус мевалари ва уларни қайта ишловдан олинган маҳсулотлар

Олий навли дудланган ва ярим дудланган колбасалар\*

Мева данакларидан тайёрланган ёғ\*

Шарқ миллий ширинликлари\*

\* Мазкур моллар жумхурият ваколатига мувофиқ киритилган.

**ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 МАРТДАГИ 74-СОН ҚАРОРИГА 3-ИЛОВА ШАРТНОМА (ЭРКИН) НАРХЛАР БИЛАН АҲОЛИГА СОТИЛАДИГАН ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ РУЙХАТИГА ҚУШИМЧА РАВИШДА КИРИТИЛАДИГАН МАМЛАКАТИМИЗДА ВА ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МОЛЛАР**

**ЕНГИЛ САНОАТ МОЛЛАРИ**

Зиғирпоя толасидан тўқилган газламалар ва улардан ишланган буюмлар, шунингдек, дастурхонлар, чойшаблар ва бошқа доналаб сотиладиган буюмлар (ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги маҳсулотлардан ташқари)

Табиий ипакдан ва бошқа толалар билан кўшиб тўқилган газламалар ва улардан ишланган буюмлар, ипакдан тўқилган мебель газламалари, чойшаблар, ёпқичлар, дастурхонлар, эшик ва дераза пардалари, духоба (ишлаб чиқариш-техника мақсадларида ишлатиладиган маҳсулотлардан ташқари), тулки духоба

Соф жундан тўқилган газламалар (махсус мақсадларда ишлатиладиган газламалардан ташқари) ва улардан ишланган буюмлар, мебель газламалари, туя жун ва ангор эчкиси жуниларидан тўқилган аёллар, қалин жун рўмоллар, чойшаблар, ёпқичлар, дастурхонлар, эшик, дераза пардалари

Ип газламадан тўқилган кўйлақбоп жаккард ва креп тўқимали газламалар, маркизет, вуаль (тўр), батис, дока, 400 г/квадрат метрдан юқори оғирликдаги жинси газламалари, духоба ва улардан ишланган буюмлар, шунингдек, мебель газламалари, чойшаблар, ёпқичлар, дастурхонлар, эшик ва дераза пардалари

Пахтадан ишланган янги модадаги буюмлар, ярим жун ва кимёвий толалар

Нотўқима паҳмоқ ва тикма ипли сочиқбоп, кўйлақ-блускабоп, гулли газламалар

Тўрпардабоп полотнолар, энг оддий таркибдаги полотнолардан ташқари

Пахтадан тайёрланган тўқу ва тикув иплари, табиий ипакдан тайёрланган тикув иплари

Катта ёшдагилар учун модели, спорт усталари фаол дам олиш учун мўлжалланган чарм пойабзаллар

Катта ёшдагиларнинг спорт ва фаол дам олиш учун мўлжалланган полимер пойабзаллари

45, 52-номерли соф жун калавадан, четдан келтирилган фасонли калавадан ва эчки момигидан катта ёшдагилар учун тайёрланган трикотаж буюмлар

Гиламлар ва гилам буюмлари

Табиий ва сунъий чармдан тайёрланган чарм-атторлик буюмлари (махсус мўлжалланган ва болаларга аталган буюмлардан ташқари)

Тўқимачилик-атторлик буюмлари (махсус мақсадларга мўлжалланган маҳсулотдан ташқари)

Катта ёшдагилар учун табиий мўйналинг қимматбаҳо турларидан тайёрланган ёқалар

Катта ёшдагилар учун мўлжалланган ҳориждан келтирилган юқори сифатли тикувчилик, трикотаж буюмлари, пойабзал, чарм-атторлик буюмлари

Каноп ва арқонлар

Метанитдан фойдаланиб тайёрланган газламалар ва буюмлар

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган табиий чармдан тайёрланган кийимлар

Зардўзлик буюмлари\*

Халқ бадиий хўнарамдчилиги буюмлари ва совғалар\*

**МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ**

Соатлар

Шахсий электрон-ҳисоблаш машиналари ва микрокалькуляторлар

250 литрдан ортиқ ҳажмли хозодильниклар, 2—3 бўлмали хозодильниклар, музлатгичлар

Яримавтомат ва автомат кир ювиш машиналари

Яримавтомат ва автомат «зиг-заг» тикув машиналари, тўқув машиналари

Чангюткичлар, полпардозлагичлар ва бошқа электр рўзгор буюмлари

Электр ва радиоўлчов асбоблари

Шарикли ва пероли авторучкалар

Грампластинкалар (болаларга мўлжалланганларида) ташқари)

Телефон аппаратлари, уларга тегишли эҳтиёт қисмлар ва буюмлар\*

Фото-кино товарлари (болалар учун мўлжалланганидан ташқари)

Суз иситадиган иситиш аппаратлари ва қурилмалари

Ёғочдан ва металлдан тайёрланган хўжалик моллари

Оқ қоғоз товарлари (мактаб-ёзув товарлари ва болалар учун мўлжалланганидан ташқари)

Кўзгулар

Пластмасса буюмлари

Зангламайдиган пўлатдан тайёрланган идишлар

Боғдорчилик-полизчилик асбоблари

Майда-чуйда металл буюмлари, қулфлар

Маиший кимё моллари

Спорт моллари

Муסיқа асбоблари

2-мураккаблик гуруҳига мансуб бўлган радиоэшиттиришларини қабул қилиш, овоз ёзиш ва овоз чиқариш қурилмалари (радиоприёмниклар, радиолар ва бошқалар)

мото-велосипед товарлари, автомобиль буюмлари (болалар учун мўлжалланганларида ташқари)

Якка тартибда фойдаланиш учун мўлжалланган қурилиш машиналари

Қилдан тайёрланган чўтка буюмлари

Бадиий-хўнарамдчилик буюмлари, совғалар, нишонлар

Металлдан ишланган заргарлик ва атторлик буюмлар, маникюр жиҳозлари, несессерлар ва бошқа атторлик буюмлари

Сантехника асбоб-ускуналари

Электр ва радиотоварларга ҳамда мураккаб техникавий маданий-маиший ва хўжалик моллари учун эҳтиёт қисмлар

Эгар-жабдуқ буюмлари\*

Арчалар\*

Сопол ва кулолчилик буюмлари\*

Зоотоварлар\*

**ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ**

Хом дудланган колбаса маҳсулотлари

Музқаймоқ

Ёғли нон-булка ва тешик кулча, қоқ нон, кирсиллама нон, ҳар хил пишириқлар (солонка, рожки, роғалики)

Кўймоқбоп ун

Қандолатчилик маҳсулотлари (карамелдан ташқари)

Алкоголсиз ичимликлар ва минерал сувлар

Кўён гўшти

Тирик балиқ

Юқори тўйимли ёрма

Крахмал

Гийҳлар қўшилган чой

Ҳориждан келтирилган тамаки маҳсулотлари

Зираворлар ва дориворлар\*

\*) Қўрсатилган товарлар жумхурият ваколатига мувофиқ киритилган.

**КИМГА АЗА, КИМГА ТҮЙ**

Тинчлик посбонларини бежиз халқ миллионерлари деб аташмайди. Шундай экан, халқ билан иложи борича яқинлашиш, унинг дардига ҳам, қувончига ҳам шерик бўлиб яшаш — бирдан-бир мақсадимиз.

Кейинги пайтда кенг жамоатчилик билан юзма-юз очиқ мулоқотлар ўтказиб туришни одат қилиб олдик. Бу тадбир бизга фақат фойда келтираётми?

— Қундалик эҳтиёжга ишлатиладиган кўпгина молларни талон билан олаёلمиз, — деди «Савай» давлат хўжалигида ўтказилган учрашувда пенсионер К. Холмирзаев. — Лекин сотувчилар инсофни талонга ҳам топишолмайди.

«Гурр» кулли кўтарилди. Одамлар тинчлангач, К. Холмирзаев саволга кўчди.

— Улар ҳамма нарсани беркитиб, устама нарх билан сотишяпти. Уларнинг жиловини тортадиган мард борми-йўқми?

Шундан кейин савол дегани дўлдек ёғилди.

— Чайқовчилик авжига чиқаяпти. Уларнинг қўлида ҳамма нарса бор, дўконда йўқ. Бунга нима дейсиз?

— Гўштининг нархини бир хил даражада ушлаб турса бўладими ёки қассобларнинг айтгани-айтган, дегани-деганими?

Бундай ҳақли эътирозларга давлат хўжалигининг бошқа бўлимларида, Карл Маркс номли 10-ўрта мактабда ўтказилган учрашувларда ҳам дуч келдик. Қо-

лаверса, шундай шикоятлар ички ишлар бўлимимизга гоҳ телефон орқали, гоҳ ёзма равишда келиб турибди.

Очиқ юз билан айтишим мумкинки, ана шундай саволлар олдида эсанкираб ўтирганимиз йўқ. Савдодаги ноқонуний ҳолатларга қарши анча-мунча иш қилдик ва ҳозир ҳам қилаёلمиз. Бу борадаги ҳаракатларимизни жумхуриятимиз Президенти ўтган йил 31 октябрь куни қабул қилган «Савдодаги сунистеъмолликлар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги қонун билан боғлаш ўринлироқ бўларди.

Қонунни тўғри ва изчил бажариш мақсадида алоҳида тадбир ишлаб чиқилди ва махсус рейд гуруҳи ташкил қилинди. Натияжада ўтган йилнинг ўзидаёқ 12 ярим минг сўмлик тахчил моллар яшириб қўйилган 60 та савдо қорхонасини фош этдик. 33 киши чайқовчилиги учун жиноий ва 69 киши маъмурий жавобгарликка тортилди.

Шу йилнинг январь, февраль ойларида савдо шахобчаларида 127 марта савдо қондаларини бузиш ҳолатлари аниқланди, чайқовчилик учун 26 киши маъмурий, 4 киши жиноий жавобгар бўлди. Харидорлар ҳамёнига ҳиёнат қилган 10 нафар савдо ходими Ўзбекистон ССЖ Жиноят маж-

мусининг 177-моддаси биринчи қисми билан айбландилар. Улардан 5 нафари қассоблар.

Ильчевск шаҳар кооператив савдосига қарашли гўшт дўконларида ишловчи қассоблар А. Холиқов ва Т. Аъзамжонов, Қўрғонтепадаги 1-дўкон мудир А. Рўзиевлар харидорлар ҳақидан ҳар бир килограмм гўшт учун бир сўмдан ортиқча олишган.

Харидорлар ҳақидан уриб қолишда Ильчевск шаҳар матлубот жамиятига қарашли «Қорасув» кўпмолли дўкони сотувчиси М. Ашурова ҳаммадан «уста» эканлигини кўрсатди. У бир донга 130 сўмлик аёллар пальтосини харидорга 188 сўмга сотиб, бирданга 58 сўм уриб қолди. Худди шу дўконнинг 7 бўлимида ишловчи М. Шодмонова харидордан 14 сўмни «адашиб» олмоқчи бўлди.

Қўрилган чора-тадбирларга қарамай сигаретлар билан чайқовчилик қилиш ҳолатлари давом этмоқда. Шу йилнинг 28 январь куни Қўрғонтепа шаҳри Куйбишев кўчасидаги 30-уйда яшаб, ҳеч қаерда ишламай юрган М. Матҳолиқов шаҳар автостанциясида ҳар бир қўти «Астра» сигаретасини бир сўму 50 тийиндан сотаётганда қўлга тушди. Енидан яна 28 қўти сигарета чиқди.

Шу шаҳарда яшовчи Ҳай-

дарали Тожибоев 6 қўти «Космос» сигаретасини 9 сўмга сотмоқчи бўлган. Шуниси ачинарлики, сигарета чайқовчилиги билан шуғулланаётганлар орасида баалоғатга етмаган ёшлар ҳам бор. Қўрғонтепа шаҳридаги 5-ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси Ф. Назаров шаҳар автостанциясида 50 тийин турадиган «Родопи» сигаретасини 2 сўмдан, «Полёт» сигаретасини 1 сўму 50 тийиндан сотаётган экан. Енидан сотишга улгурмаган 30 қўтидан «Родопи» ва «Полёт» сигареталари топилди.

Савол туғилади: наҳотки шаҳарда, милиция ходими келиб ушлагунга қадар бу ўсмирни биров кўрмаган, танбеҳ бермаган, бу иш яхшиликка олиб келмаслигини тушунтирмаган?

Туман «Союзпечать» ташкилотига қарашли 13-дўкон мудир Карим Абдурасулов эса узоққа бориб юрмай, дўконнинг ўзида «Ту-134» сигаретасини 2 сўмдан сотаётган экан. Унинг устидан ЖМнинг 177-моддаси 1-қисми билан иш қўзғатилиб, халқ судига юборилди.

Шуниси қизиқки Абдурасулов 1990 йилда ҳам 2 марта чайқовчилиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Афсуски, у бундан тўғри хулоса чиқара олмабди.

Камёб молларни очиқ сав-

додан беркитганлар орасида Қўрғонтепа матлубот жамиятига қарашли 35-дўкон мудир М. Тожибоева (583 сўмлик), Савай матлубот жамиятига қарашли 16-дўкон сотувчиси О. Қорабоева (404 сўмлик), Ильчевск шаҳар матлубот жамиятига қарашли 18-дўкон мудир К. Мамажонов (846 сўмлик аёллар юбкалари) ва бошқаларни кўраимиз.

Ароқ кўп хонадонларга кулфат келтираётгани ҳаммага маълум. Лекин ўзгаларнинг кулфати, бахтсизлиги эвазига чўнтак тўлдирётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Туманимизнинг Комсомол жамоа хўжалигида яшовчи Майрамжон Мирзаева ҳар шиша ароқни 18 сўмдан пуллаётганда қўлга тушди ва маъмурий жавобгарликка тортилди.

Бундай шахсларни чайқовчи эмас кулфат уруғини сотувчилар десак, тўғри бўлса керак.

Хулоса қилиб айтганда, кўраш давом этаёпти. Лекин биз кўп ҳолларда яккаланиб қоляимиз. Савдо ташкилотлари раҳбарларига фикрномалар, ахборотлар юборилмоқда. Аммо ўзгариш бўлмаёпти. Мазкур ташкилотларда ҳам махсус текширув-назорат ходимлари бор. Улар нима билан шуғулланишяпти, бизга қоронғу.

**Эргаш ТУРДИКУЛОВ,**  
Қўрғонтепа туман ички ишлар бўлими бошлигининг уринбосари, милиция подполковниги.

«ЁЗГИ ВАҚТ»

Утган сешанба кун Европадаги Исландиядан бошқа барча мамлакатлар ёзги вақтга ўтди. Совет Иттифоқи ёзги вақтга 31 мартга ўтар кечаси ўтди. Буни СССР Ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссияси маълум қилди. Шунга кўра, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилди. Унга мувофиқ жумҳуриятимизнинг барча ҳудудида бешинчи соат минтақаси жорий этилди.


31 март тунги соат 2 да илгариги вақтлар минтақасига кирувчи чегаралардан ғарброкда жойлашган минтақалар гуруҳида янги вақт ўлчовига осонликча ўтилди. Яъни, соат миллилари ҳеч қабққа суриб қўйилмади. Бу гап Қорақалпоғистон жумҳурияти, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятларига тегишлидир. Қолган вилоятлар— Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Жиззах, Тошкентда соат миллилари бир соат орқага суриб қўйилди. Бу гал бу иш узил-кесил ва охириги марта амалга оширилди.

Унга қўшимча қилиб шунга айтишимиз мумкинки, қўшни жумҳуриятларда ҳам вақт хизматини такомиллаштириш бўйича худди шундай қарорлар қабул қилинди. Бу Урта Осиё минтақасида яшовчи барча аҳоли учун қўшимча қулайликдир.

ДИҚҚАТ, НУЖ

Учариқ тумани ИИБ жиноят қидирув ходимлари билан 1 апрель кун кечаси махсус рейдга чиққан фотомухбиримиз Ҳабибулла Шодиев фортепа қишлоғида антиқа воқеанинг гувоҳи бўлди. У тунги осмон қўйнида фақат ўзини ёритиб турган номаълум учувчи жисм (НУЖ) ни суратга олишга улгурди.

СУРАТДА: 1 апрель кунги гортепалникларни ажаблантирган НУЖ.



ИСТАГИМИЗ ЁЗИБ ҚЎЙИЛСА

Ассалому алайкум, «Постда» рўзномаси муҳарририяти. Биз, қаҳрамон она Маъсуда Тўйчиева ва она бошлиғи Самг Тўйчиевлар Тошкент вилоятининг Калинин туманида истиқомат қиламиз.

Шу йилнинг 8 февраль кунги соат 18.30 ларда шахсий автомашинамизда пойтахтимизнинг «Октябрь» деҳқон бозорига рўзгор ҳаражати учун бордик. Олди-сотдини тамомлаб чиқиб қарасак, машинамиз турган жойида йўқ. Бунинг устига уйимизга келиб, 4000 сўм пул ҳам талаб қилишди. Биз бу ҳақда Октябрь тумани ИИБга хабар қилдик. Бу иш натта терговчи А. Мирзакаримовга топширилди.

Кўп ўтмай машинамиз ҳеч қандай шикастсиз оламизга қайтарилди. Биз оламиз номидан бу ўғирликни очишда қатнашган Октябрь тумани ИИБ милиция ходимларидан Абдиқайим Мирзакаримов, Собит Орипов, Интиқбой Серикбоев, Абдусамат Мардиев, Исроиқ Муқсимов, Фурқат Ражабовларга чуқур миннатдорчиликимизни изҳор этиш билан бирга, рўзномангиз орқали сўрар эдикки, бизнинг раҳматномамиз уларнинг шахсий иш дафтарига ёзиб қўйилса.

Она бошлиғи Самг ТҮЙЧИЕВ,  
Қаҳрамон она Маъсуда ТҮЙЧИЕВА.

Ота-онаси унга умид билан Бахтиёр деб исм қўйганди. Ўсиб-улгайғач, қаноатимиз бўлади, деб ният қилишганди. Оилада бош фарзанд эди у. Вақти-соати етди, ўйлаб қўйишди. Икки фарзандли бўлди.

Бахтиёр-чи? Йўқ, унинг исми ва жисми бутунлай бошқа-бошқа эди. У қачонки «оқ шайтон»дан бир қўлтум хўлласоғина ўзини бахтиёр сезарди. Касалхонада ётган икки норасидасининг, рафиқасининг ризқини, қолаверса, ўзининг ҳаётини қийин ичарди, ичаверарди. Оқибати нима билан тугади? Ана шу ерда кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан киши, Майли, бу ҳақда сал кейинроқ.

...Қишлоқ бўйлаб кетаётган Бахтиёр қассобхона ёнида нимадир ётганини кўрди. Қўлга олиб тозалади. Миясига ярқ этиб бир фикр урилди-да, топилмани чўнтагига солиб қўйди...

Орадан тўрт-беш кун ўтгач, одатдагидек ичкилик дардида кўча изғиди. Ишдан қайтаётган таниши Раҳимжон Отабоевни кўриб қолиб, кўярда-қўймай ёнига ўтқазди. Ичишди. Шу пайт Раҳимжон Бахтиёрнинг чўнтагидаги нарсани кўриб қолди.

— Чўнтагингдаги нима?— сўради у.

— Керакми?— Бахтиёр галати кулимсиради.— Сенгайм топиб беришим мумкин.

— Бўпти, оғайни, мен кетдим. Энди сен ҳам уйингга бор.— кўнгли нимадандир нотинчланган Раҳимжон ўрнидан қўзғалди.

Аммо Бахтиёр қимир этмади. Яна «отди». Ўзини гўёки шердек сезиб, йўлга тушди. Учратиб қолган эски танишлари Абдуғафур Эгамбердиев, Бахтиёр Рўзимов, Адҳамжон Умаровлар унга йўлдош бўлишди.

— Оғайнилар, келаётган «06»ни тўхтамаиз. Э-эй, тўхта, ҳа, яша. И 87—27 НА, номериям ёмонмас. Қоч, ўзим,— дея ҳамроҳларини четга суриб машинага яқинлашди.— Оғайни. Қумқўрғонга ташлаб ўтинг.

— Ўтиринглар.

Яхшилаб жойлашиб олиш-

ди. Ҳайдовчи Раҳимжон Юнусбоев йўловчиларни олишга олди-ю, аммо кўнглида гашлик уйғонди. Анчагина юришгач, уларга қарата деди:

— Акалар, бензин тамом бўлди, илтимос, тушинглар.

— Нима?!— ҳайқириб юборди Бахтиёр ва шу заҳотиёқ чўнтагидан тўппонча... чиқариб, ҳайдовчининг чаккасига тиради.— Жонингдан умидинг бўлса, ҳайда!

Саросимада қолган Юнусбоев қўрқа-писа машинани юрғазди. Бахтиёрнинг газаби тўлиб-тошди. Жийдакала

кавлай бошлади. Бор-йўғи ўн сўмча пул чивди.

— Ерга ташла. Яхши. Ана энди сана.

Юнусбоев энгашди, энгашдию миясига теккан зарбдан ўзини йўқотар даражага тушди. Бу орада Бахтиёр яна икки-уч марта тўппончанинг орқаси билан унинг юз-кўзига туширди.

— Яқинлашмаларинг. Ўйлаб ўтирмасдан отиб ташлайман!— Шундай деди-ю, ҳайдовчини ёнига ўтқазиб, рулга ўзи ўтирди. Лаҳза ўтмасдан ҳай-ҳайлаб қолган биродарларини чанг-тўзонга



қишлоғига етиб келишгандан сўнг, яна ўшқирди:

— Тўхта! Машинадан тушибоқ, ўтирганларга тўппончани тўғрилади!

— Ҳамманг тушларинг. Тушларинг деяпман, йўқса отаман!

Ошнолар ҳайрон. — Бахтиёр, эсингни йиғ, нима қилисан ўзи,— бири қўйиб, иккинчиси аврашга тушди.

— Ҳамманг олдинга ўт,— таҳдидли овоз билан қичқирарди Бахтиёр.— Сен бери нел!

Юнусбоев секингина унга қараб юрди. Ҳаммаси худди кинодагидек. Бахтиёр эса бундан ўзича завқ оларди. Ҳайдовчига тўппончани ўқталиб буюрди:

— Яшашдан умидинг бўлса, ҳамёнингни чиқар. Титроқ қўллар чўнтак

бўлаб жўнаворди. Уйчи туманининг Даҳиота, Ёрқўрғон, Жийдакала қишлоқ кўчалари бўйлаб роса санғиди. Охири Наманган туманидаги Қумқўрғон қишлоғи яқинида тўхтади-да, Раҳимжондан ҳайдовчилик гувоҳномасини тортиб олди.

— Эртага шу вақтда мана шу ерга минг сўм пул олиб келасан.

Рангида ранг қолмаган Юнусбоев бир чўчиб тушди.

— Минг сўм? Бунча пулни қаердан оламан. Беш юз топишим мумкин, лекин минг...

— Бўпти, ярим минг ҳам пул. Аммо билиб қўй, орқангда одам бўлса ё мелисага айтганингни билсам, сўзсиз отаман. Ҳайдовчилик гувоҳноманг менда қолади. Бор, жўна.

Шундан сўнггина қилган ишидан ҳузурланиб, уйига

йўл олди. Йўл-йўлакай «ошно»ларининг ҳали келишмаганидан хабар топди.

Эртаси кун Наманган тумани ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги Р. Аббосовга Бахтиёр Азимхўжаевнинг ҳақти-ҳаражатлари ҳақида хабар келди. Зудлик билан тузилган оператив қидирув гуруҳи Бахтиёрни сўроқ курсисига ўтқазди. Савол-жавоб эса қўтилмаган натижани берди.

— Тўғри, менда тўппонча бор эди. Топиб беришим ҳам мумкин.— Хотиржамлик билан гапирарди Бахтиёр.— Лекин у сизларга нима учун керак? Ахир, у болалар тўппончаси...

— Нима?! — Ҳа, ўйинчоқ тўппонча эди. Мен у билан нима ҳам қилишим мумкин. Ҳеч қандай ноқўя ҳаракат қилганим йўқ.

У сувдан қуруқ чивқанди. Бироқ кўпга чўзилмади.

Ҳабрланувчи Р. Юнусбоев Уйчи тумани ички ишлар бўлимига воқеани оқизмай-томизмай етказди. Бу ерда ҳам қўлга олиш гуруҳи тузилди. Бахтиёр бу сафар курсида сувга тушган мушукдек шумшайиб ўтирарди. Ундан олинган, терговчи столи устида турган ҳайдовчилик гувоҳномасидан ярим мингги эмас, бошқа нарсанинг, бошқа жойнинг хиди келарди...

— Ҳаммасини бўйнимга оламан. Ҳақиқатдан ҳам жиноятга қўл уриб қўйибман,— унинг овози титраб-қақшаб чиқарди,— мени шайтон йўлдан оздирди, шайтон!

Ўзи доим шунақа бўлади: қилгилликни биз қиламиз-у, иш чапасига кетгач, ҳамма айбни шўрлик шайтонга аударамиз. Лекин суднинг ажойиб одати бор. У қилгиллик учун шайтонни эмас, йўлдан озган кишини жазолайди. Шундай экан, Наманган тумани Қўрғонча қишлоғилик Бахтиёр Азимхўжаевни адолатли жазо кутади.

Олимжон МУҲАММАДАЛИЕВ,  
Зокиржон РАҲМОНОВ,  
Уйчи тумани ички ишлар бўлими ходимлари.  
Эркин САТТОРОВ,  
«Постда» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ ТАРКИБИДА УЗУН РАЙОНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ Тўғрисида

Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши раёсатининг Сурхондарё вилояти таркибида маъмурий маркази Узун аҳоли пунктида бўлган Узун районини ташкил этиш, унинг тарки-

бига Боботог, Жончек, Ленин номли, Телпақчинор, Узун қишлоқларини ҳамда Сарийосиё районидаги «Хандиза» совхозни ерларидан фойдаланиладиган чегаралардаги Сангардак қишлоғи

ЖАБРДИЙДАЛАРНИ ТАНИЙСИЗМИ?

ССЖИ ИИВ ва прокуратураси томонидан Ростов вилоятида ва мамлакатимизнинг бошқа қатор ўлкаларида кўплаб болалар ва аёллар ёстиғини қуритган хавфли жиноятчи-йиртқиш ушланди.

Мавжуд маълумотларга қараганда, Ўзбекистон ҳудудида сафар хизматида бўлганда Тошкент вилоятининг Чиноз туманида қизчани ва Бўстонлиқ туманида аёл кишини ўлдирган. Кўрилган чораларга қарамасдан марҳумаларнинг шахси ҳозиргача аниқланмаган.

Ўлдирилган аёлнинг жасади 1984 йил 16 август кунги Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида, Бўстонлиқ туманининг Озодбоб посёлкаси яқинидаги ўрдакчилик фермаси қаршида, топилган.

Белгилари: 18-30 ёшларда, бўйи 160 см., ўртача

гавдали, калта сочлари бўялган, қўлининг тирноғига лак югуртирилган.

Алоҳида белгилари: қорнида эски куйган жароҳат изи, бош бармоғи асосида икки ҳарфдан иборат татуировка бор. Виттаси «Н», иккинчисини ўқиб бўлмайди. Жасад ёнида яшил рангли кўйлак топилган. У марҳумага тегишли бўлиши мумкин.

1984 йил 28 август кунги Чиноз туманидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги ҳудудида ўлдирилган қизчанинг қаттиқ ириб кетган жасади топилди.

Белгилари: 10-14 ёшларда, бўйи 145 см., сочлари қора ва калта.

Қизча ёнида оқ труси, қизил рангли газламадан тикилган сарафан, қизил рангли шиппак бор эди.

Этиборларингизга аёл кишининг фоторобот ёрда-

худудининг бир қисмини киритиш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

Сарийосиё районининг маъмурий маркази Узун аҳоли пунктидан Сарийосиё шаҳар посёлкасига кўчирилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.  
Тошкент шаҳри,  
1991 йил 29 март.

мида чизилган сурати ҳам илова қилинмоқда.

Тахминий суратдан, юқорида тилга олинган белги ва уст-бошлардан уларни таниган ёки билган кишилардан тергов ишига кўмак беришларини сўраймиз. Маълумотларни энг яқин милиция бўлимига «02» рақамли телефон орқали беришингиз мумкин.

ЎзССЖ ИИВ ЖҚБ.

